

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ ТИЗИМЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Н.А.Ашурметова,
ТошДАУ доценти, и.ф.н.
E-mail: janita06@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақола қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш услубиятини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Хусусан, россиялик олимлар томонидан ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқилган инновацион технологиялар даражаси ва самарадорлигини баҳолашга турлича ёндашувлар кўриб чиқилган. Ўрганилган кўрсаткичларни умумлаштириш натижасида ўсимликчиликда инновацион технологиялардан фойдаланишда ўзаро боғлиқ бўлган икки гуруҳдан, яъни натижа/самарани тавсифловчи кўрсаткичлардан ҳамда инновацион муҳит кўрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш тизими таклиф этилган.

Аннотация: Данная статья посвящена изучению и анализу методик экономической оценки использования инновационных технологий в сельском хозяйстве. В частности, рассмотрены различные подходы оценки уровня и эффективности инновационных технологий в отрасли растениеводства, разработанные российскими учеными. В результате обобщения изученных показателей предложена система оценки результатов использования инновационных технологий в растениеводстве, состоящая из двух взаимосвязанных групп: показателей, характеризующих результат/эффект и показателей инновационного климата.

Abstract: This article is devoted to the study and analysis of methods of economic evaluation of the use of innovative technologies in agriculture. In particular, various approaches to assess the level and effectiveness of innovative technologies in the crop sector developed by Russian scientists are considered. As a result of generalization of the studied indicators, the system of evaluation of the results of the use of innovative technologies in crop production, consisting of two interrelated groups: indicators characterizing the result/effect and indicators of the innovation climate, is proposed.

Калит сўзлар: Аграр соҳа, ишлаб чиқариш, инновация, инновацион технология, инновацион муҳит, кўрсаткич, услубият, самарадорлик, сифат, ўсимликчилик, қишлоқ хўжалиги.

Кириш

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатбардошликни оширишнинг бозор механизмлари ва дастакларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалиги тармоғида рақобатбардошликни ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ҳар бир тармоқнинг рақобат устуворлиги ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик даражаси, меҳнат ресурсларининг малакаси ва уларнинг янги билимлар ҳамда инновацияларга мослашиши орқали белгиланади [11].

Шу боисдан, республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида аграр секторни тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш учун унинг тармоқларида инновацион фаолликни жадаллаштириш, замонавий агротехнологияларни изчиллик билан жорий этиш асосида самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлашимиз керак”, деб таъкидлаганлар. [1]

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” лозимлиги қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан республикамиз қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг баробарида қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш усулларини ўрганиб чиқиш асосида самарадорликни белгиловчи барча кўрсаткичларни оптималлаштириш бўйича услубий ёндашув ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, улар асосида инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубиятини таҳлил қилишдан аввал, инновация ва инновацион жараён тушунчалари таърифнинг адабиётлардаги қисқача шарҳини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Даставвал, инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й. Шумпетер катта ҳисса қўшган. 1930-йилларда Й. Шумпетер томонидан *инновация* тушунчаси киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирар эди [17]. Шунингдек, ўзгаришлар нуқтаи назаридан инновацияларга Ла Пьерре, Ю.Яковец, Ф. Валента, Л. Волдачкова ва бошқалар таъриф бериб, “инновация - бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш” [18] ёки “ижодий ғоянинг ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши” [3] деб қарашади.

Э.Менсфельд, Б. Санто, Б.Твисс ва бошқа хорижий олимлар томонидан инновация жараён сифатида талқин қилиниб, ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятларига кўра энг яхши маҳсулот ва технологияларнинг яратилишига олиб келадиган ижтимоий - техник - иқтисодий жараён, деб таъриф

берилади [14, 15]. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу таърифларда ғоя ва кашфиётларнинг иқтисодий мазмунини изоҳловчи омишлар ҳамда уларнинг манбалари кўрсатилмаганлиги туфайли инновация тушунчасининг тушунарсизроқ (ноаниқ) таърифланишига олиб келган.

Инновацияларни татбиқ этишга давомийлиги 50-60 йил бўлган катта цикллар назариясини асослаб берган, конъюнктура циклларининг моделларини ишлаб чиққан олим Н.Д.Кондратьев катта ҳисса қўшган. У янги циклга ўтиш тўпланиб қолган ихтироларни жорий этиш учун шароит яратиш имконини берадиган капитал неъматлар заҳирасини кенгайтириш билан боғлиқ эканлигини исботлади. Н.Д.Кондратьев янги циклга ўтишни техника тараққиёти билан боғлаган: “Ҳар бир катта циклнинг кўтарувчи тўлқин бошланишидан олдин, баъзан эса унинг бошланиши билан жамиятнинг хўжалик ҳаёти шароитида анчагина ўзгаришлар кузатилади. Ушбу ўзгаришлар одатда у ёки бу комбинацияда, техникавий ихтиро ва кашфиётларда, ишлаб чиқариш ва айирбошлаш техникасидаги чуқур ўзгаришларда намоён бўлади”, - деб ёзади. Н.Д.Кондратьевнинг фикрича жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларда фан-техника новациялари муҳим роль ўйнайди [6].

Инновациялар иқтисодий самарадорлигини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор Россиялик иқтисодчилар [5, 8] инновацияга «харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик» сифатида қарашган.

Мамлакатимиз иқтисодчиларининг тадқиқотларида “инновация” атамаси бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан кенг қўлланила бошлади. Аграр соҳани инновацион ривожлантириш муаммоларини ўрганган бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан А.А.Абдуғаниев, А.В.Ваҳобов, А.М.Қодиров, С.С.Фуломов, Ё.А.Абдуллаев, Ч.Муродов, Т.Х.Фармонов, Ў.П.Умўрзоқов, Н.С.Хушматов, А.Мўхторов ва бошқалар эътиборга молик муҳим илмий изланишларни олиб борганлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда инновация тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Инновация - бу қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараённи, маркетингнинг янги услубини, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги ташкилий услубни истеъмолга киритишдир.

Тадқиқот методологияси

Изланишнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг ҳамда Республикамиз иқтисодчи олимларининг инновацион жараёнларга оид илмий ғоялари, назариялари хизмат қилди. Мақола Тошкент давлат аграр университетида “Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа (ПЗ-20170928458-рақамли) бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида тайёрланди, изланиш жараёнида иқтисодий, қиёсий таҳлил, илмий абстракция, монографик ўрганиш, хронологик кузатиш ва эксперт баҳолаш каби усуллар қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президентнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 2,0 % фоизга ошиб, 69 504,2 млрд сўмни ташкил қилди. Якунланган йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш 8 млн. 116 минг тоннани (2016 йилга нисбатан 98,2%), сабзаот ишлаб чиқариш 11 млн. 434 минг тоннани (101,4 %), картошка 3 млн. 15 минг тоннани (101,9 %), полиз 2 млн. 95 минг тоннани, мева 3 млн. 76 минг тоннани, узум етиштириш 1 млн. 749 минг тоннани ташкил этди. Чорвачилик соҳасида ҳам барқарор ўсиш кўрсаткичлари таъминланди. Жумладан, гўшт етиштириш 2 млн. 281 минг тоннани, сўт етиштириш 10 млн. 83 минг тоннани, тухум ишлаб чиқариш 6 млрд. 605 минг донани ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион АҚШ долларилик тайёр маҳсулот экспорт қилинган, 856 миллион АҚШ долларилик 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилган. [19]

Ушбу юқори кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши борасида қабул қилинаётган қарорлардан самарали фойдаланиш таъминланаётганлигидан далолат беради. Аммо бу соҳада ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳали кўплиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион технология ва техникаларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсадни кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатларидир. Инновацион фаолият, шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ҳам ўз ичига олади.

Аграр соҳа инновацион фаолиятининг мақсади инновацион жараёнларнинг доимий ривожланишини таъминлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда фан-техника натижалари (инновациялар)нинг узлуксиз оқимини ташкил этиш ва ўзлаштириш ҳисобланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг доимий равишда техник-технологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиши рўй беради.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғида инновация сиёсати селекция усуллари тақомиллаштиришни, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдор янги навларини яратишни, деҳқончилик ва уруғчиликнинг илмий асосланган тизимларини ўзлаштиришни тақозо этади.

Шу билан бирга инновацион жараёнларнинг тавсифини очиб бериш нафақат унинг моҳиятини асослаб беришни, балки инновацион фаолиятнинг самарадорлигини ғоянинг пайдо бўлиши босқичидан бошлаб, то инновацион маҳсулотни жорий этишгача бўлган барча босқичларда тўғри баҳолашни ҳам кўзда тутди. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш ниҳоятда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим масала бўлиб, унинг ҳал этилиши агроинновацияларни жорий этишдаги таҳликани минималлаштиришга кўмаклашади.

Шу боисдан инновацион фаолиятнинг услубияти, назарияси ва амалиётининг таянч иқтисодий категориялардан бири унинг самарадорлиги ҳисобланади, у ҳамиша инновацион жараёндан олинган натижа (самара) ва ушбу самарани келтириб чиқарган харажатлар ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги етарлича мураккаб ва кўп маъноли тушунча ҳисобланади ҳамда умумий таърифлашда инновацияларнинг яратилган бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган муайян миқдордаги меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни сақлаб қолиш қобилиятини англатади [4].

Инновацион фаолиятнинг самараси сифатида янги технологияга, унумдорлиги юқори бўлган техникага, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматнинг сифатини оширишга сарфланган маблағлардан олинган иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа манфаатлар чиқиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инновацияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тармоқда фойдаланиладиган кўпчилик ресурсларининг чекланганлигини инобатга олиш зарур. Бу аввало, ер, моддий, молиявий, сўнгги вақтларда эса меҳнат ресурсларига ҳам тегишли (юксак малакали раҳбарлар ва мутахассислар назарда тутилмоқда).

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни баҳолаш масалаларини таҳлил қилиш, хусусан ўсимликчилик тармоғида инновацион жараёни баҳолаш услубиятларини ўрганиш натижасида шунга амин бўлдики, инновацияларнинг иқтисодий самарадорлигини умумий баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

- интеграл самара (соф дисконтланган даромад, соф келтирилган ёки соф ҳозирги қиймат, соф келтирилган самара) – ҳисоблаш даврида муайян йилга (одатда базис йилига) келтирилган, яъни инновацион натижалар ва харажатларни дисконтлашни инобатга олган ҳолда уларнинг ўртасидаги тавофут миқдори;
- рентабеллик индекси (даромадлилик индекси, фойдалилик индекси) – келтирилган даромадлар билан худди шу санага келтирилган инновацион харажатлар ўртасидаги нисбат;
- рентабеллик меъёри (даромадлиликнинг ички меъёри, фойдалиликнинг ички меъёри, инвестицияларни қайтариш меъёри) – дисконтнинг шундай меъёрики, унда муайян йиллар ичида дисконтланган даромад инновацион кўйилмаларга тенг бўлади. [9]

Ҳозирги вақтда ўсимликчилик тармоғида инновацион технологиялардан фойдаланишни баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичларни сифатли танлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Баҳолаш тизимларини шакллантиришда уларга қўйиладиган анъанавий талабларга риоя қилиш (илмий асосланганлик, ишонччилик, таққослаш имкониятининг мавжудлиги ва ҳ.к) заруратидан ташқари тармоқда инновацион фаолиятни у ёки бу даражада тавсифлаш имконини берадиган кўплаб кўрсаткичларнинг мавжудлиги, лекин статистик маълумотлар ҳисобини юритишнинг етарли бўлмаганлиги туфайли баҳолаш тизимини хусусий кўрсаткичлар билан алмаштириш имконияти чекланганлиги баҳолаш жараёнини амалга оширишни қийинлаштирмоқда.

Ўсимликчилик тармоғида инновацион технологиялардан фойдаланиш туфайли натижавийликнинг динамик ўсишини таҳлил қилишда И.Г.Ушачев, И.Т.Трубилин, Е.С.Оглаблен, И.С. Санду [16] томонидан таклиф этилган ҳар хил самарадорлик турлари бўйича баҳолашга ёндашув қўлланган. Масалан, инновацияларни яратиш босқичида уларни баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилардир: инновациянинг ишлаб чиқилган янгилик сифатидаги қиммати, унинг янгилик даражаси ва замонавий жаҳон даражасига мослиги; ялпи маҳсулот ўсишини ҳисоблаш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш; максимал даражадаги ресур тежами ва бир-бирлик маҳсулот харажатларининг қисқариши. Инновацияларни тарқатиш босқичида инновацион жараёнларни баҳолашнинг асосий мезони товар ишлаб чиқарувчиларни турли каналлар бўйича (кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали, бошқарув функцияларини унинг барча даражаларида амалга ошириш йўли билан, илмий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-маслаҳат хизматлари тизими ҳамда инновацияларни махсус тарғиб қилиш орқали) янги билимлардан, фан ва техника ютуқларидан хабардор қилишнинг максимал тезкорлиги ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда ўзлаштиришга тайёр бўлган инновацияларнинг яратилганлиги тўғрисидаги ахборотлар товар ишлаб чиқарувчиларга қанчалик тез етказилса, инновацион жараённинг ушбу босқичи шунча самарали фаолият кўрсатаётган бўлади. Ишлаб чиқаришда инновациялар (янгиликлар)ни ўзлаштириш босқичида самарадорлик мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи технологик янгиланиши; меҳнат унумдорлигининг ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигининг ошиши; бир-бирлик ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот чиқаришнинг кўпайиши; ишлаб чиқаришнинг молиявий кўрсаткичларини яхшиланиши ва ҳақиқий фойда массасининг ўсиши, нормал экологик ва табиатни муҳофаза қилиш вазиятининг сақланиши. Кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолда баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқиладигани, у технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорликни конкрет аниқлаш имконини беради.

Шунга ўхшаш фикрларни бошқа кўпчилик россиялик иқтисодчиларнинг тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, В.Г.Савенко қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни фаоллаштиришда ишлаб чиқаришда инновацияларни ўзлаштириш тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилиш ва бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга кўмаклашиши лозим деб билади. Унинг фикрига кўра, инновацияларни ўзлаштиришнинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилардир: янгилик даражаси ва зарурати; ҳам макроиқтисодий даражада, ҳам алоҳида хўжаликлар даражасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш; экологик, ижтимоий ва энергетик зўриқишни пасайтириш. Самарадорликнинг ҳар хил турлари (технологик, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва энергетик)ни ажратиш кўрсатиш янгиликни мотивлаштиришга ва уни қўллаш имкониятларига қараб баҳолаш имконини беради. Бунда инновацияларни ўзлаштиришдан олдин инновацион лойиҳалашни амалга ошириш керак. Шу боисдан қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали инновацион лойиҳалар банкини яратиш мақсадга мувофиқдир [13].

Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар тизимининг услубий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ўсимликчилик тармоғида инновацион жараёни баҳолаш услубиятини шакллантиришда қўлланиши мумкин бўлган қуйидаги баҳолаш кўрсаткичлари тизимини (1-жадвал) таклиф қилиш имконини берди. Ушбу тизимни қуришнинг негизида икки гуруҳ кўрсаткичлари бўйича баҳолашни ўтказиш, яъни тармоқда инновацион технологиялардан фойдаланганда натижавийликнинг динамик ҳолда ошишини баҳолаш (натижа/самара) ва инновацион муҳитни баҳолаш (олинган натижалар самарага бевосита таъсир ўтказувчи кўрсаткичлар бўйича) ғояси етади [12].

Жадвалда келтирилган баҳолаш кўрсаткичларининг гуруҳлар рўйхати баҳолаш тизимини потенциал модификациялашни (бир кўрсаткични бошқаси билан алмаштириш ёки қўшимча бошқа кўрсаткичларни қўшиш) ўтказиш мақсадида баҳолашни бажариш учун мумкин бўлган хусусий кўрсаткичлар тўғрисида тасаввурларни шакллантириш имконини беради. Тузатишларни зарурат туғилганда амалга ошириш мумкин, кўрсаткичлар гуруҳининг таркиби эса илгаригидек қолаверади. Бунда натижа/самарани тавсифловчи кўрсаткичлар билан инновацион муҳитни тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги зарур ҳисобланади. Бундан мақсад шуки, инновацион муҳитнинг инновацион таҳлика, инновацион салоҳият ва инновацион фаоллигининг ўзаро таъсирланиши натижасида эришилган самарага қўшадиган амалий ҳиссасини акс эттиришдир. Ушбу кесимли кўрсаткичлардан чуқурлаштирилган тадқиқотларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

1-жадвал

Ўсимликчилик тармоғида инновацион технологиялардан фойдаланиш натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари тизими

Ўсимликчилик тармоғида инновацион технологиялардан фойдаланиш туфайли натижавийликнинг динамик ўсишини баҳолаш	Инновацион муҳитни баҳолаш (тармоқдаги корхоналарнинг инновацион рискени, салоҳиятини ва фаоллигини баҳолаш)
Натижа/самарани тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи	Инновацион муҳит кўрсаткичлари гуруҳи
Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Инновация/ технологиялардан фойдаланиш туфайли олинган самарани баҳолаш кўрсаткичлари (технологик, биологик, ижтимоий ва экологик самаралари)	Тармоқ маҳсулотига бозор нархларининг ўзгаришини, тармоқнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўсимликчилик тармоғида 1та ишловчига тўғри келадиган ялпи ҳосил (хўжаликларнинг тоифалари бўйича) ➤ Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (хўжаликларнинг тоифалари бўйича; қ/х экинлари бўйича) ➤ Ўсимликчиликда 1 та ишловчига тўғри келадиган ўртача ойлик номинал 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Инновацион таҳлика кўрсаткичлари: <ul style="list-style-type: none"> -тармоқ маҳсулотига қўйиладиган нархларнинг тарихий ўзгарувчанлиги -тармоқ маҳсулоти нархларининг мавсумий тебранишларини тавсифловчи кўрсаткичлар (қ/х экинлари бўйича; маҳсулот мақсади бўйича) ➤ Инновацион салоҳият кўрсаткичлари:

<p>хисобланган иш хақи даражаси (ишловчиларнинг тоифаси бўйича)</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тармоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш (хўжаликларнинг тоифалари бўйича) ➤ Тармоқнинг сотилган маҳсулоти рентабеллигининг ўртача даражаси (хўжаликларнинг тоифалари бўйича) 	<p>-экин майдонларининг қайта тикланиши, таркибий такомиллаштирилиши ёки кенгайиши</p> <p>-ерларнинг мелиорацияси ва бошқ. (қ/х экинлари бўйича; маҳсулотнинг мақсади бўйича)</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Инновацион фаоллик кўрсаткичлари: -тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни турли каналлар (қайта ишлаш корхоналари, улгуржи савдо, бозор, ўзининг савдо шохобчалари ва ҳ.к.) бўйича сотишнинг улуши
---	--

Ўсимликчилик тармоғида инновацион технологиялардан фойдаланиш натижаларини баҳолашда инновацион муҳит гуруҳидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш ўсимликчилик тармоғи маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар учун яратилган қулай шароитларнинг қанчалик аҳамиятлигидан келиб чиқади ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омилларини тавсифлаш имконини беради. Инновацион муҳитнинг сифати самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш, инновацион фаолиятни мотивлаштириш натижаси сифатида ҳудудда инновацион инфратузилма ривожланишининг ижобий динамикаси билан аниқланади.

Маълум иқтисодий вазиятда тармоқнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши инвестицияларни жалб қилишга боғлиқ бўлади ва тармоқнинг инвестицион жозибаторлиги пастлиги муаммосини ҳал қилиш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида катта аҳамиятга эга. Қўпгина олимлар ўз тадқиқотларида айнан шу масалага урғу бермоқдалар. Хусусан, А.И.Алтухов, В.И.Нечаев озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ҳал қилишда инвестицион фаолиятни фаоллаштириш биринчи галдаги вазифа эканлигини таъкидлаган [2], В.М.Новиков ҳам “инновацион фаолият инвестицион фаолият билан узвий боғлиқ, чунки янги технологияларни ва техникаларни жорий этиш молиявий ресурсларни талаб қилади” [10] деб ҳисоблайди. Н.П.Кравченко эса қишлоқ хўжалиги экинларининг янги нав ва гибридларини ўзлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш-молиявий таҳликаларни ҳисобга олган ҳолда тармоқ инновацияларини ишлаб чиқишга киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш заруратини асослаган [7].

Қишлоқ хўжалигининг инвестицион жозибаторлиги пастлиги натижасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида инновацион жараённи ривожлантиришда юзага келадиган ноқулай вазият инвестицион таҳликаларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги, жумладан ўсимликчилик тармоғининг инвестицион жозибаторлиги пастлигига асосий сабаб унинг табиий-иқлим шароитига боғлиқлигидир. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларни руёбга чиқариш муддатларининг узоқлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Мазкур муддат ўсимликчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятлари (ўсимликларини етиштиришнинг ўзига хосликлари)дан келиб чиққан ҳолда 8 йилгача чўзилиши мумкин. Кўп ҳолларда

инвестицияларнинг норентабеллиги ва самара олиш муддатларининг чўзилиб кетиши инвестиция киритиш лозим бўлган бошқа соҳаларга йўналтирилмаганлиги (масалан сақлаш омборхоналарига, қайта ишловчи цехларга ва бошқ.) билан боғлиқ бўлади. Бунинг устига самара олиш ҳар доим ҳам, ҳатто салоҳиятли, юқори самара келтирадиган инвестицион технологияларни жорий қилинган вазиятда ҳам олдиндан белгилаб қўйиладиган омил бўла олмайди ва тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар фойдаланишнинг аниқ ташкилий - иқтисодий механизмининг мавжудлигига боғлиқ.

Инвесторларга инвестицион таҳликани аниқлаб берувчи муҳим статистик кўрсаткичлардан бири нархларнинг ўзгарувчанлигидир. Маълумки, тармоқ маҳсулоти нархлари юқори даражада ўзгарувчанлиги, жумладан мавсумий ўзгаришлари, бозорда нархларнинг “хулқ-атворини” олдиндан айтиб бўлмаслигидан далолат беради ва тармоқнинг инвесторлар маблағ киритиши учун жозибадорлигини янада пасайтиради [12].

Хулоса ва таклифлар

Кўриб турганимиздек, таклиф этилган кўрсаткичлар тизими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш кўламини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг умумий натижавийлигига баҳо бериш доирасида қўлланиши мумкин. Ушбу кўрсаткичлар тизимини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир, чунки ҳозирги замонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири маҳсулотларнинг сифатидир. Дала экинлари маҳсулотининг сифатини белгилашда унинг истеъмол қийматини таъминлайдиган турли табиий белгилари ҳисобга олинади. Масалан, дала экинлари маҳсулотларини сифатига баҳо беришда унинг ташқи кўриниши (йирик-майдалиги, шакли, ранги, тўқималарининг кўриниши), техник кўрсаткичлари (ташишга, қайта ишлашга, зараркунанда ва касалликларга чидамлилиги ва бошқ.) ва истеъмол қиймати (таъми, озуқавий қиймати, энергетик ва биологик даражаси хусусиятлари) эътиборга олинади.

Шунингдек, ўсимликчилик тармоғи маҳсулотларининг юқори ҳосилидан самарали фойдаланиш муаммоларида муҳим масала ҳисобланмиш логистик инфратузилмани ҳамда янги экспорт йўналишларини ривожлантиришни баҳоловчи кўрсаткичларни ҳам қўшиш мумкин.

Инновацион муҳит каби кўпқиррали тушунчани баҳолашда эса қуйидаги кўрсаткичлар ҳам инobatга олинса, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни баҳолаш янада аниқ ва тўғри бўлур эди:

- бизнес ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг ҳамкорлик дастурларининг сони ва рўйхати;

- инновацион инфратузилманинг мавжуд ва янгидан яратилган объектлари сони (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технология трансфери марказлари и ҳ.к.);

- юқори технологик компанияларнинг фонд бозорини шакллантириш (юксак технологиялар “биржаси”ни яратиш), юқори технологик компанияларининг қимматли қоғозлари савдоси учун фонд бозорининг ихтисослаштирилган сегментини яратиш имкониятларини баҳолаш;

- инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш, инновацион фаол компанияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ўрнатишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари рўйхати;

- ҳудудий бюджетга ўтказиладиган солиқ ставкаларининг пасайтириш ва солиқлардан озод қилиш кўринишидаги имтиёзларнинг мавжудлиги;

- ИТТКИга давлат ва хусусий манбалардан жалб қилинган маблағлар ҳажми ва ҳ.к.

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган даврда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи инновацияларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодиёт ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучга айланганлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

2. Алтухов А.И., Нечаев В.И. Экономические проблемы инновационного развития зернопродуктового подкомплекса России. – М.: Издательство Насирддинова В.В., 2015. – 477 с.

3. Видфильд П. Инновационные процессы как объект управления экономическим развитием. М.:НИИЦ, 1993. - 236 с.

4. Ижевский И.И. Оценка эффективности инновационной деятельности предпринимательства //Научный вестник НЛТУ Украина. - 2010. - Вып. 20.4.- С. 160—167.

5. Ионов М. Регулирование инвестиционной и инновационной деятельности / М. Ионов // Экономист. - 2013. - №5. - С. 36-43.

6. Кондратьев, Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. Избранные труды. - М.: Экономика, 2013. - 767 с.

7. Кравченко Н.П. Обоснование приоритетных инноваций в растениеводстве и оценка их эффективности (теория, методология, практика) //Автореф. дис. на соис. уч. степ. д.э.н.. Майкоп, 2011.

8. Кулагин А., Логинов В. Структурные сдвиги и инновационный процесс / А. Кулагин, В. Логинов // Экономист. - 2013. - №5. - С. 37-46.

9. Мумладзе Р.Г, Платонов А.В. Эффективность управления инновациями в сельском хозяйстве: монография. М. ЛитагентКнорусс. 2014. -120 с.

10. Новиков В.М. Организационно-экономический механизм инновационного развития сельского хозяйства. //Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Воронеж - 2013

11. Портер Е. Майкл. Конкуренция: пер.с англ/ М.: ИД «Вильямс», 2005. - 608 с.

12. Рябова А.И. Оценка результатов использования инновационных технологий в отрасли растениеводства в условиях импортозамещения. //Управление экономическими системами: электронный научный журнал. (108) УЭКС, 2/2018.

13. Савенко В.Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве: Теория, методология, практика: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.05. - Москва, 2005. - 338 с.
14. Санто Б. Инновация как средство экономического развития / Б. Санто - М.: Прогресс, 2012. - 296 с.
15. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. М.: Экономика, 1989.- 281 с.
16. Ушачев И.Г. Инновационная деятельность в аграрном секторе экономики России /Под ред. И. Г. Ушачева, И. Т. Трубилина, Е. С. Оглоблина, И. С. Санду. М.: КолосС, 2007. – 350 с.
17. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.- Юнити-ДАНА, 2001.
18. La - Pierre P.T. Social Chandge- N.Y., 1965. - P. 107.
19. [www. stat.uz](http://www.stat.uz).